



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 14.07.2022 г. № 52

между Muhammadali Zokirjon Service МЧЖ и Самарканд шаҳар Халқ таълими бўлими на общую сумму 196328226,00

Глава \_\_\_\_\_ 075  
Казначейский лицевой счёт \_\_\_\_\_ 100022860184017092100075188

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4232200			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль	196 328 226,00			196 328 226,00
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>196 328 226,00</b>			<b>196 328 226,00</b>

Всего 196328226,00 сум

Сто девяносто шесть миллионов триста двадцать восемь тысяч  
двести двадцать шесть сум 00 тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 58898467,80 сум или 30,00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес: 20\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



(подпись)

Н.Суярова  
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Мирзаев Сардор Мухаммадиевич  
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

## Жорий таъмирлашга оид ШАРТНОМА № 52

14.07.2022 й

«ООО MUHAMMADALI ZOKIRJON SERVICE» МЧЖ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Т.Бекмуродов номидан, бир томондан ва Самарканд ш халк таълим бўлими кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи рахбар А.Солиев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйдагилар хақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Жорий таъмирлаш ишлари (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Ўлчов бирлиги	сони	нархи	Суммаси
1	Самарқанд шаҳар халқ таълим бўлими қарашли АПОМИШ ЛАГИРИНИ жорий таъмирлаш	Хизмат	комплект	198 290 096	196 328 223
	ЖАМИ				196 328 223

1.3. Шартноманинг умумий сўммаси 196 328 223 (бир юз тўсон олти миллион уч юз йиғирма саккиз минг икки юз йиғирма уч ) сўми ташкил қилади

### 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Ишлар" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар»ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига қўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;

- "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплашини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» қуйдаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узила-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплашини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйдагиларга мажбур:

2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш

### 3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 196 328 223 (бир юз тўсон олти миллион уч юз йиғирма саккиз минг икки юз йиғирма уч ) сўми ташкил этади.

3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Ғазначиликда рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30% миқдорда олдиндан тўлаш мажбуриятини олади. қолган 70 % ни бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилини далолатномаси, ҳисоб-фактура в.б. асосида тўлайди.

### 4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар ҳомонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайдн, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. Назарда тутилган ҳажмдан ортикча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак. Бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розниги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.5. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.6. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритида. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.7. "Буюртмачи" шғари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомала кўрсатилган сана бошланғичидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдорда жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда махсус ҳисобрақамдан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортик бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик конунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органини томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсуотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар қондага қўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## Д7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил « 13 » 07 2022 йил «31» декабригача амалда бўлади.

...ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва  
...китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2 Шартнома Ҳазначилик органларида рўйхатга олингандан сўнг қонуний кучга киради.

## 9. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР.

9.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни улар, уларнинг ходимлари, қафилланган шахслар, бенифициялари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

9.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва муқожаатини олган томон 10 (ўн) иш қуни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

9.4. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчилигида кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятлари ни бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

## 10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

10.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

10.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## 10. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ёқрочи»

«ООО MUHAMMADALI ZOKIRJON SERVICE» МЧЖ

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил: Самарқан ш Рудакий кучаси 192 уй

Тел./факс

(х/в ёки ш/х) 20208000805051638001

Банк номи Ҳамкор банк

МФО\_ 00279 СТИР 306315378

«Буюртмачи»

Сам ш Халқ таълими бўлимин  
(буюртмачи номи)

Манзил: Сам ш регистон 6 уй

Тел./факс 235 06 16

ш/х\* 100022860184017092100075188

Ташкилотнинг СТИРи 201213210

Ҳазначилик бўлиминининг номи: Самарқанд вилояти Самарқанд ш бўйича Ҳазначилик бўлиминиси

ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси

Ҳисоб-китоб-касса маркази (С/КМ)

МФО: 00014 Ҳазначилик бўлиминининг СТИРи 201122901

Буюртмачи раҳбари

Н.Суярова

(таъвожими) (Ф.И.О.)



Бекмуродов



Ҳуқуқийнос

Лицензия (диплом) № берилган санаси:

« » й

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
“Халқ таълим бўлими мудири



Н.Суярова

Самарқанд шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли хизмат кўрсатувчи  
ташкilotлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши  
**БАЁНИ**

Самарқанд шаҳри

« 08 » 07 2022 й.

Раислик қилувчи

Ж.Даминов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Ж.Даминов

Комиссия аъзоси, Мудир ўринбосари

Д. Зокирова

Комиссия аъзоси, Экспуатация бўлим бошлиғи

М.Абдуллаев

Комиссия аъзоси, Давлат харидлари бўлими  
бошлиғи

С.Амонов

Комиссия аъзоси, Бош ҳисобчи

И.Абдубакиров

Комиссия аъзоси, Таминочи

Ғ.Қаххоров

Комиссия аъзоси Хўжалик ишлари бўйича мудар  
ўринбосари

**КУН ТАРТИБИ:**

Самарқанд шаҳар халқ таълим бўлимига қарашли Алпомиш лагирини  
биносини тамирлаш бўйича йиғилиш баёни ўтказилди .

Дирекция томонидан 2022 йил 29 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси  
Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Самарқанд шаҳар халқ  
таълим бўлимига қарашли биносини жорий тамирлаш сифатли хизмат  
кўрсатиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкilotлар ўртасида танлов ўтказиш  
бўйича комиссия илиши № 22110012111984 лот рақами билан эълон  
жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 1 июлдаги энг яхши  
таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари  
комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Самарқанд шаҳар халқ  
таълим бўлимига қарашли Алпомиш лагирини биносини тамирлаш танлов  
ўтказиш бўйича” баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия  
аъзолари томонидан «ООО MUHAMMADALI ZOKIRJON SERVICE» мчж корхонаси ғолиб  
деб топилганлигини инобатга олиб:

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бош бухгалтери С.Амоноага:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 3 июндаги электрон баённомасига асосан ғолиб Muhammadali Zokirjon Service МЧЖ корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Экусплатация бўлим бошлиғи Д. Зокирова хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

### Комиссия аъзолари

Ж.Даминов



Д. Зокирова



М.Абдуллаев



С.Амонов



И.Абдубакиров



Ғ.Қаххоров





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI  
SAMARQAND SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

170800, Samarqand shahar, Kurchatov ko'chasi, 9-uy,  
tel.: (998 66) 233 34 37, el.pochta: Samarqandyurmarkazi@mail.ru

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA  
SHARTNOMA**

Sotib oluvchi "Samarqand shahar xalq ta'limi bo'limi" hamda sotuvchi "OOO MUHAMMADALI ZOKIRJON SERVICE" MCHJ tomonidan tuzilgan №52-sonli joriy ta'mirlash shartnomasi to'g'risida. (O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi" to'g'risidagi qonun hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Davlat xaridlari to'g'risidagi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" qarori, tender komissiyasi bayoni, tijorat takliflari, MCHJ guvohnomalari, MCHJ rahbarlari pasport nusxalari)

Kontraktning umumiy summasi **196 328 226** (bir yuz to'qson olti million uch yuz yigirma sakkiz ming ikki yuz yigirma olti) so'mni tashkil qiladi.

Mazkur kontrakt 14.07.2022-yildan 2022 yil 31-dekabrgacha amal qiladi.


Sotib oluvchi "Samarqand shahar xalq ta'limi bo'limi" hamda sotuvchi "OOO MUHAMMADALI ZOKIRJON SERVICE" MCHJ tomonidan tuzilgan №52-sonli joriy ta'mirlash shartnomasi to'g'risidagi shartnoma O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi" to'g'risidagi qonun hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Davlat xaridlari to'g'risidagi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" qarorining talablariga muvofiq tayyorlangan.

**Samarqand shahar xalq ta'limi bo'limi tomonidan 14.07.2022-yil tizimga kiritilgan**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022-yil 14-iyul

Samarqand shahar  
Yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi Bosh yuriskonsulti



A.Mustayev